

«Товусул фуқаро» лақаби билан танилган муҳаддис



12:15 / 27.04.2025 1273

Имом, муҳаддис, тўғрисўз, зоҳид, илм талабида юрт кезган Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳафс ибн Халил Ансорий Ҳаравий Молиний Суфий. «Товусул фуқаро» деб лақабланганлар.

Илм талабида ва олимлар билан учрашиш мақсадида Найсобур, Асбаҳон, Бағдод, Шом, Миср ва Ҳарамаинга борганлар. Илм жамлаганлар. Маърифатли ва серфаҳм бўлганлар. Ҳадис йиққанлар, асарлар ёзганлар.

Абу Аҳмад ибн Адий, Исмоил ибн Нужайд, Абу Шайх ибн Ҳайён, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим Салитий, Юсуф ибн Қосим Миёнажий, Ҳасан ибн Рашиқ Мисрий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Нўъмон Рамлий, Абу Бакр Қатиъий, Фазл ибн Жаъфар Тамимий, Муҳаммад ибн Сулаймон Рабаъий,

Абу Аҳмад Аскарӣ, Абдулазиз ибн Ҳорун Басрий ва уларнинг табақасидагилардан ҳадис ривоят қилганлар.

Бу кишидан шайхлари ҳофиз Таммом Розий ҳамда ҳофиз Абдулғани Мисрий, шунингдек, Абу Бакр Байҳақий, Абу Бакр Ботирқоний, Абу Бакр Хатиб, Абу Наср ибн Ҳиббон, Абу Наср Сижзий, қози Абу Абдуллоҳ Қузоъий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Шабиб Коғазий, Абу Абдуллоҳ ибн Талҳа Ниъолий, қози Абул Ҳасан Хилаъий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Тўғрисўз, парҳезкор ва пухта ровий бўлганлар. Олий санадларни тўплаганлар.

Ҳамза Саҳмий айтадилар: «Молиний 364 йили Журжонга келдилар. Илм талабида Асбаҳон, Мовароуннаҳр, Миср ва Ҳижозга сафар қилдилар. 409 йилда вафот этдилар».

Бу сана ноаниқ. Абу Исҳоқ Ҳаббол айтадилар: «Молиний 412 йил шаввол ойининг ўн еттинчисида сешанба куни вафот қилдилар».

Менимча, Мисрда вафот этган бўлсалар керак. Имом Ибн Салоҳ «Табақотуш шофеъия» китобларида ҳам шундай ёзганлар.

Бизга ҳофиз Али ибн Муҳаммад хабар бердилар. У кишига Жаъфар ибн Мунир, у кишига Абу Тоҳир Силафий, у кишига Муборак ибн Абдулжаббор хабар берганлар: «Абдулазиз ибн Али Азажийнинг: «Абу Саъд Молинийдан китоб кўчирганим ва уни қиёслаб ўқиб берганим учун бирданига эллик динар олдим», деганларини эшитдим».

Молиний қирқта ҳадисдан иборат тўплам тuzганлар. Бу ҳадисларнинг ҳаммаси машҳур сўфийларнинг санадлари билан келган. Бу ривоятларда баъзи ақлга сиғмайдиган сўзлар ҳам бор эди. Чунки у ровийларнинг кўплари машҳур эмас эдилар.

Бизга Мисрда Муҳаммад ибн Ҳусайн Қураший хабар бердилар. У кишига Муҳаммад ибн Имод, у кишига Абдуллоҳ ибн Рифоъа, у кишига Абул Ҳасан Хилаъий, у кишига Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад Молиний хабар берганлар. У кишига Найсобурда Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Холид, у кишига ҳофиз Жаъфар ибн Аҳмад ибн Наср, у кишига Муҳаммад ибн Мусанно, у кишига Абдулвахҳоб ровий Айюбдан, у киши Абу Қилобадан, у киши Анасдан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

